<p>-Касбий таълим мазмуни ишлаб чиқилади.</p> <p>-Касбий таълим жараёни замонавий технология ва техникалар билан таъминланади.</p> <p>-Касбий таълимни йўлга қуйишга махсус Касбий-педагогик маълумотга эга мутахассислар жалб этилади.</p> <p>-Касбий таълим мазмунини ёритувчи ўқув-методик адабиётлар (ўқув дастури, дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалар, дидактик материаллар ва</p>	<p>-Касбий таълим кенг кўламда амалга оширилади.</p> <p>-Касбий таълим мазмунини ёритувчи ўқув-методик адабиётлар (ўқув дастури, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар, дидактик материаллар ва кўрғазмали қуроллар)ига таянган ҳолда унинг самарадорлик даражаси белгиланади.</p> <p>-Зарур ҳолларда уларнинг мазмунига керакли ўзгартиришлар киритилади.</p> <p>-Касб фани ўқитувчи-</p>	<p>-Касбий таълимнинг самарадор тизими яратилади.</p> <p>-Илмий ва ғоявий жиҳатдан мукамал бўлган ўқув-методик адабиётлар (ўқув дастури, дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалар, дидактик материаллар ва кўрғазмали қуроллар)нинг мавжудлигига эришилади.</p> <p>-Касбий таълим жараёни назарий билим ҳамда юксак педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчилар билан таъминланилади.</p>

<p>кўрғазмали ку-ролла-ринг яратилади.</p> <p>-Талабалар томонидан Касбий билимларнинг ўзлаштирилишида сарфланган вақт ҳажмини белгиловчи чоратадбирлар аниқланади.</p> <p>-Бунда таълим воситаларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилади.</p>	<p>ларининг назарий билим ҳамда педагогик маҳорат даражалари ўрганилади.</p> <p>-Касбий таълимни ташкил этиш жараёнида талабаларнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида ҳаракатлар амалга оширилади.</p> <p>-Талабалар томонидан касбга оид билимларнинг ўзлаштирилишида кенг кам вақт сарфлашга эришиш чоратадбирлари аниқланади.</p>	<p>-Касбий таълимни амалга оширишга нисбатан технологик ёндашувни қарор топтирилади.</p> <p>-Касбий таълим жараёнида талабаларнинг мустақил фаолият кўрсатишларига эришилади.</p> <p>-Талабаларда юқори даражадаги касбий онг ва маданиятни шакллантирилади.</p> <p>-Бунинг учун энг кам вақт сарфланади.</p> <p>-Таълим воситаларидан фойдаланилади.</p>
--	--	---

ТМда касбий таълимнинг самарадорлигини ошириш мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичларда амалга оширилади (- шаклга қаранг).

ТМда амалга оширилаётган касбий таълимнинг самарадорлигини куйидаги мезонлар ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Касбий таълимнинг самарадор тизими яратилганлиги.
2. Касбий таълим жараёнининг илмий жиҳатдан такомиллаштирилган ўқув-методик адабиётлар билан таъминланганлиги.
3. Касбий таълим жараёнига назарий билим ҳамда педагогик маҳоратга эга педагогларнинг жалб этилганлиги ҳамда уларда таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувнинг қарор топганлиги.
4. Касбий таълим жараёнининг замонавий техник воситалари билан таъминланганлиги.
5. Касбий таълим жараёнида талабаларнинг мустақиллиги ва фаолликларининг юзага келганлиги.
6. Талабалар томонидан касбга оид билимларни пухта ўзлаштирилиши учун сарфланган вақтнинг қисқалиги.
7. Мазкур жараёнда педагогик воситалардан минимал даражада фойдаланганлиги.

8. Талабаларда юқори даражадаги Касбий билим, онг ва маданиятнинг шаклланганлиги.

Қуйидаги усуллар ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади:

1. ТМда касбий таълимни умумий ҳолда лойиҳаланишини таъминлаш.

2. ТМда амалга оширилаётган касбий таълимни ташкил этишдан кўзланган муайян курс доирасида ифодаланган мавзулар бўйича таълим мақсадининг аниқланиши, унга эришиш йўлида бажариладиган вазифаларнинг пухта белгиланиши.

3. Ҳар бир мавзунинг ўрганилиши ёки касбий мазмунга эга тадбирнинг уюштирилиши жараёнида ҳам бош мақсад таркибига кирган хусусий мақсадларнинг аниқланишига эришиш.

4. Машғулотлар мазмунини ишлаб чиқиш.


5. Ҳар бир машғулотни маълум босқичларга ажратиш.

6. Касбга оид машғулотларнинг ташкилий шакл, усул, восита ва методларини танлаш.

7. Муайян мавзу доирасида олиб борилаётган машғулотларда талабалар томонидан ўзлаштирилиши назарда тутилаётган билим, қўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши учун сарфланадиган вақт ҳажмини белгилаш.

8. Талабалар касбий фаоллигини умумий назорат қилишнинг шакл, метод ва усулларини аниқлаш.

**ТМда касбий таълим самарадорлигини
оширишнинг мақбул андозаси**



Талабалар томонидан касбий билим, амалий фаолият қўникма ва малакасининг
максимал даражада ўзлаштирилиши

Ушбу жараёнда вақт ҳажмининг доимий равишда ўсиб бормаслиги

30

Маъруза жараёнда таълим воситаларининг мукаммал даражада
фойдаланиш

9. Касбий мавзулардаги машғулотлар лойиҳасини амалий фаолият жараёнига татбиқ этиш.

10. Касбий мазмундаги машғулотларни ташкил этишдан кўзланган мақсаднинг натижаланганлигини таҳлил этиш (ушбу ўринда мақсаднинг муваффақиятли яқуни, унга эришиш йўлида сарф этилган вақт ҳажми ҳамда талабаларнинг улар эътиборига тавсия этилаётган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражалари инобатга олинади).

Касбий таълим жараёнида талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини қуйидаги мезонлар асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

- талабанинг асосий касбий тушунчалар мажмуини ажратиб бера олиши;
- талабанинг асосий касбий тушунчалар моҳиятини ёритиб бера олиши;
- муайян меъёрлар ёки қонунлар талабларига амал қилиши;
- фаол касбий фаолият олиб бориши.

ТМ касбий фан ўқитувчиларининг машғулотларни самарали ташкил эта олиш борасидаги фаолиятларининг муайян даражасини қуйидаги ўлчовлар асосида белгилаш мумкин [9] (шаклга қаранг):

ТМнинг Касб фани ўқитувчилари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		
Паст даража	Ўрта даража	Юқори даража
<p>-машғулотларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш тажрибасига эга эмас;</p> <p>-машғулотларни ташкил этишдан кўзланган мақсадни аниқлаш шарт эмас деб ҳисоблайди;</p> <p>-машғулотларнинг мазмунини ишлаб чиқишда жиддий хатоларга йўл қўяди;</p> <p>-машғулот жараёнини</p>	<p>-Машғулотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда маълум хатоларга йўл қўяди;</p> <p>-Муайян мавзулардаги машғулотларнинг бош мақсадини аниқ белгилай олсада, хусусий мақсадларни белгилашда хатоларга йўл қўяди;</p> <p>-Машғулотларнинг мазмунини ишлаб чиқишда маълум</p>	<p>-машғулотлар лойиҳасини ишлаб чиқа олади;</p> <p>-муайян мавзудаги машғулотларнинг бош мақсадини аниқ белгилай олади;</p> <p>-машғулот жараёнида амалга ошириладиган хусусий мақсадларни аниқ белгилайди;</p> <p>-машғулотларнинг мазмунини тўлақонли ишлаб чиқади;</p>

<p>босқичларга ажрата олади, бироқ ушбу босқичлар ўртасида мантқиқий бирликнинг юзага келишига эриша олмайдилар;</p> <p>-машғулотларни ташкил этишда анъанавий шакл, метод ва воситалардан фойдаланади, шунингдек, машғулотлар жараёнини ташкил этишга нисбатан анъанавий ёндашув муҳим натижаларни кўлга киритишга ёрдам беради деб ҳисоблайди;</p> <p>-вақтдан фойдланишда оқилона йўл тута олмайди;</p> <p>-топшириқларни ишлаб чиқишда тайёр материаллардан фойдаланади;</p> <p>-талабалар фаолиятини баҳолашда самарали йўл тута олмайди</p>	<p>қийинчиликларга дуч келади;</p> <p>-Машғулотлар босқичларини белгилашда айрим жузъий хатоларга йўл қўяди;</p> <p>-Машғулотларни ташкил этишда анъанавий шакл ва методлардан фойдаланишни маъқул кўради;</p> <p>-Баъзан вақтдан тўғри фойдалана олмайди;</p> <p>-Топшириқларни ишлаб чиқишда тайёр мате-риаллардан фойдаланишга ҳаракат қилади;</p> <p>-Талабалар фаолиятини баҳолашда уларга нисбатан бир хил талаб қўя олмайди;</p> <p>-ишлаб чиқилган лойиҳани амалиётга татбиқ эта олади</p>	<p>-машғулот жараёни босқичларининг самарали белгиланишини таъминлайди;</p> <p>-машғулот жараёни учун мақбул шакл, метод ва воситаларни танлай олади;</p> <p>-вақт ҳажмини тўғри белгилайди;</p> <p>-ўрганилаётган мавзу моҳиятини тўлақонли ёрита оладиган машқ-топшириқларни танлашга ижодий ёндашади;</p> <p>-талаблар фаолиятини тўғри белгилайдиган шакл, метод ва воситани аниқлай олади;</p> <p>-ишлаб чиқилган лойиҳани амалиётга татбиқ этишга эришади;</p> <p>-асосий мақсаднинг натижаланишини таъминлайди</p>
---	--	---

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, қуйидаги хулосага келдик: янги турдаги таълим муассасаларида касбий таълим самарадорлигини оширишда мазкур жараённинг муваффақиятини кафолатловчи педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишга эришиш асосий мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Касбий таълим самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган омиллар сирасига педагогик фаолиятнинг амалий асосларини яратиш ва уни амалиётга татбиқ қилишни киритиш мумкин.

- 1-боб бўйича хулоса

Юқоридаги айтилган фикрлар асосида қуйидаги хулоса чиқариш мумкин: ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишдаги мавжуд

муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлида муайян ҳаракатларни амалга ошириш натижасида касбий таълим самарадорлиги маълум даражада таъминланади. Бунинг учун эса мазкур ўқув муассасаларида амалга ошириладиган касбий таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва методларини аниқлаш, уни амалга ошириш йўлларини белгилаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги ТМда касбий таълим самарадорлигини ошириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш имконини берди.

2-БОБ. КАСБИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА МЕТОДИКАСИНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ

2.1. Касбий таълим самарадорлигини ошириш шакл, метод ва воситалари

ТМ фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири - таълим жараёнини ташкил этиш, талабаларда касбий сифатларни шакллантириш, касбий маданиятини қарор топтиришдан иборатдир. Талабалар томонидан касбий таълим жараёнида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, уларда бу соҳада кўникма ва малакалар ҳосил қилишда касбий таълим жараёни ҳам ўзига хос ўрин тутади. Зеро, касбий таълим ва таълим жараёнининг яхлитлиги, изчиллиги ўрта махсус таълим муассасалари талабаларида касбий маданиятининг шаклланиши учун динамик хусусият касб этади. Айни вақтда касбий таълимнинг муваффақиятли ташкил этилиши ўз-ўзидан касбий таълим самарадорлигини таъминлайди.

Касбий таълим жараёнида талабаларда касбий фан асосларини пухта ўзлаштиришга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжнинг вужудга келишига эришиш - уларнинг касбий таълим жараёнига фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Янги турдаги таълим муассасаларида амалга ошириладиган касбий таълим асосан аудиториядан ва ТМдан ташқари шароитда йўлга қўйилади ҳамда ТМ фаолиятининг йиллик иш режаси, шунингдек, ўқув муассасаси низомининг талабларига мувофиқ амалга оширилади [19].

ТМда Касбий таълим самарадорлигини ошириш - уни муваффақиятли ташкил этиш, кам куч сарфлаб, қисқа муддат ичида талабаларда Касбий онг ва маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият бўлиб, ушбу жараён аниқ мақсад ва пухта ишланган режа асосида ташкил этилсагина кутилган натижани таъминлай олади [24].

Янги турдаги ўқув муассасаларида Касбий таълим самарадорлигига қўйидаги шарт-шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин:

- Касбий таълим ҳамда таълим жараёнлари ўртасида ўзаро алоқа-дорлик қарор топганда;
- Касбий таълим аниқ мақсад асосида ташкил этилганда;
- Касбий таълим таълим муассасаси фаолиятининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлиб, уни амалга оширишга нисбатан жиддий муносабатда бўлганда;
- Касбий таълим талабаларнинг мавжуд эҳтиёжларини қондириш мақсадида ташкил этилганда;
- Касбий таълимни амалга оширишда талабаларнинг ички эҳтиёж, хоҳиш-истаклари, шунингдек, ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш асосида уюштирилганда;

- Касбий таълим соҳасидаги тадбирларнинг кўтаринки руҳда ташкил этилишига эришилганда;

- тадбирларнинг мавзу, мазмун, шароит ва бошқа жиҳатларига мувофиқ турли шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишига эришилганда;

- Касбий мазмундаги тадбирларнинг ўтказилиши учун режа асосида жиддий тайёргарлик кўрилганда;

- янги турдаги ўқув муассасаларида Касбий таълимни самарали ташкил этиш соҳасида эришилган илғор иш тажрибалари мунтазам ўрганилиб оммалаштирилганда;

- Касбий таълимни ташкил этишда таълим муассасаси, оила, маҳалла ҳамда ижтимоий ташкилотлар ўртасида мустаҳкам алоқани қарор топтиришга эришилганда;

- янги турдаги ўқув муассасаларида Касбий таълимни ташкил этишда оммавий ҳамда ахборотли технология (радио, телевидение), компьютер, Интернет халқаро алоқа тармоғи ва ҳоказо хизматидан унумли фойдаланишга эришилса ва бошқалар.

ТМда Касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаолиятнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши муваффақиятга эришишнинг муҳим омиллари эканлиги тажриба - синов ишлари жараёнида аниқланди:

а) конференция, семинар, тренинг, беллашув, илмий изланиш, Касбни ҳимоя қилиш муассасаларининг фаолияти, Касбни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳодисалар, суд ёки оилавий, хўжалик ҳамда молиявий ажримлар жараёни моҳиятини ўрганиш, учрашув кабилар;

б) оғзаки баён қилиш, амалий, кўргазмали намоёиш этиш, машқлантириш, “Кластер”, “қарорлар шажараси”, “Зигзаг”, “6x6x6”, “Ақлий ҳужум”, “Фикрларнинг шиддатли ҳужуми”, “Муаммоли вазиятларни ҳал этиш”, “Кубик” ва ҳоказолар;

в) техник ва ахборотли воситалар - радио, телевидение, компьютер, шунингдек, халқаро алоқа тизими - Интернет хизматидан фойдаланиш, шахсий намуна, муайян шахслар фаолияти, ҳаётини воқеа-ҳодисалар мисолида нутқ ва бошқалар.

Юқорида таъкидланганидек, ТМда амалга ошириладиган Касбий таълим самарадорлигини оширишнинг мақбул йўллари сифатида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ижобий натижалар бера олишига кузатишларимиз жараёнида ишонч ҳосил қилдик. Касбий мазмундаги тадбирларни олдиндан пухта ишлаб чиқилган лойиҳа асосида ташкил этиш таълим муассасасида мавжуд бўлган объекти ва субъектив омилларни марказлаштириш ва аниқ мақсадга йўналтириш учун қулай шароит яратади [18].

2.2. ТМ да амалга ошириладиган касбий таълим методикасининг самарадорлик даражаси

Дастлабки кузатиш ишлари жараёнида ўтказилган сўров натижаларига кўра аксарият респондентларнинг Касбий тадбирларни ташкил этишни муайян лойиҳа асосида уюштиришда маълум қийинчиликларга дуч келаётганликларининг гувоҳи бўлди. Шунинг учун ҳам тадқиқот доирасида респондент-ўқитувчиларни таълим жараёнини лойиҳалаш ҳамда уни муваффақиятли ташкил этиш тадқиқотнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этилди. Шу мақсадда махсус режа ишлаб чиқилди.

қуйида мазкур режа асосида амалга оширилган фаолият моҳиятини ёритиш мақсадида уюштирилган тадбирларнинг бири хусусида батафсил сўз юритамиз.

“Касбий мазмундаги тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш” деб номланган тренинг қуйидагича ўтказилди:

I. Ташкилий қисм - тадбирни ўтказиш учун талаб қилинадиган объектив шарт-шароитларни ўрганиш (тадбир ўтадиган жой - зал, аудитория ёки майдонни белгилаш), тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга маъсул шахсларни белгилаш, уларга аниқ топшириқлар юклаш, иш анжомлари-турли хажм ва сифатдаги қоғозлар, ручкалар, бўёқли ручкалар, чизғич, ёзув тахтаси қисқичларни тайёрлаш, ташкилий масалалар - тадбирнинг ўтказилиши ҳақида респондентларни (оғзаки ёки ёзма тарзда) огоҳлантириш, тадбир жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш кабиларни ўз ичига олади.

II. Асосий қисмда бир неча босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1-босқич. Респондентлар ўртасида сўров ташкил этилиб, уларнинг янги педагогик технологиялар ва улардан Касбий таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги билимлари аниқланди. Уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этилди:

2.1. Касбий таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятларини Сиз қандай баҳолайсиз?

2.2. Касбий таълим жараёнини лойиҳалаш деганда Сиз нимани тушунайсиз?

2.3. Касбий таълим жараёнини лойиҳалашда нималар муҳим аҳамиятга эга?

2.4. Касбий таълим билан боғлиқ фаолиятингизни муайян лойиҳа асосида ташкил этганмисиз?

2-босқич. Респондент ўқитувчиларга Касбий таълим жараёнини лойиҳалаш буйича назарий маълумотларни бериш;

2.1. Янги педагогик технология ва ҳуқуқий таълим жараёни (кичик маъруза);

2.2. Касбий таълимга бағишланган тадбир - лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этадиган омиллар, кўргазмали тарқатма материаллар билан танишиш;

2.3. Касбий таълимни муайян лойиҳа асосида ташкил этиш намунаси (Амалий тренинг).

3-босқич респондентлар иштирокида Касбий таълим соҳасидаги ижодий фаолиятни ташкил этиш:

3.1. Мустақил равишда Касбий таълимга бағишланган тадбир лойиҳасини ишлаб чиқиш (автоген машқ).

3.2. Мен - лойиҳачиман (кўргазмали тақдимот).

3.3. Энг мукамал лойиҳа (танлов).

4-босқич. Респондентлар томонидан ўзлаштирилган Касбий билим, ҳосил қилинган кўникмалар даражасини аниқлаш.

4.1 Касбий таълимга бағишланган тадбирнинг мазмуни ва йўналиши хусусида Сиз қандай фикрдасиз? (Интервью).

4.2 Касбий таълимга бағишланган тадбир жараёнида муайян маълумотларга эга бўлдингизми? (Интервью).

4.3 Касбий таълимга бағишланган таълимвий тадбирларни олдиндан лойиҳалаштиришнинг афзалликлари (Давра суҳбати).

III. Якуний қисм - тренинг жараёни ва унинг натижаларини таҳлил этиш.

Тренинг таркибида респондентлар иштирокидаги давра суҳбати ташкил этилиб, унда Касбий таълимга бағишланган тадбирларни аввалдан лойиҳалаштиришнинг афзалликлари муҳокама этилди. Давра суҳбатида иштирокчилар Касбий мазмундаги таълимвий тадбирларнинг янгича ёндашув асосида ташкил этилиши қуйидаги афзалликларга эгаллигини таъкидлаб ўтадилар:

1) Касбий таълимга бағишланган тадбирнинг ўтказилиши учун зарур бўлган объектив ва субъектив омилларнинг мавжудлиги пухта ўрганилди;

2) Касбий таълимга бағишланган тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш учун сарфланадиган вақт ҳажми белгилаб олинди;

3) Касбий таълимга бағишланган тадбир моҳиятининг тўлақонли очиб берилиши учун иштирокчилар сони ҳамда воситаларнинг миқдори белгиланди;

4) Касбий таълимга бағишланган тадбир иштирокчиларининг имкониятлари инобатга олинди;

5) Касбий таълимга бағишланган тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш учун ижтимоий ташкилотларнинг ёрдамидан самарали фойдаланиш имконияти вужудга келди;

6) Касбий таълимга бағишланган тадбир ташкилотчилари ва иштирокчиларининг ортиқча зўриқишлари бартараф этилди;

7) Касбий таълимга бағишланган тадбирнинг ташкилий, ижтимоий-ғоявий жиҳатдан такомиллаштирилишига эришилди;

8) Касбий таълимга бағишланган тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ва унинг натижаси ҳақида етарли маълумотларни тўплаш имконияти яратилди;

9) истиқболдаги вазифаларни белгилаш ва бу соҳада фаолият олиб бориш учун шароит юзага келади.

ТМда Касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган махсус методика таркибида назарда тутилган бошқа тадбирлар ҳам муайян лойиҳа асосида ташкил этилди.

ТМда Касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик фаолият мазмуни ҳамда олиб борилган кузатишларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келдик: янги турдаги ТМда ташкил этилаётган Касбий таълимнинг самарадорлигини таъминловчи муҳим омил – бу мазкур жараёни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтиришдан иборатдир. Ноанъанавий шакл, метод ва воситалар ёрдамида Касбий таълимни амалга ошириш ўзининг ижобий натижаларини беради [23]. ТМда Касбий таълим-таълимни изчил тарзда амалга ошириш унинг самарадорлигини таъминлайди.

- 2-боб бўйича хулоса

1. ТМда ўқитилиши амалга оширилаётган Касбий таълим самарадорлигини ошириш – ижтимоий-Касбий ислохотлар мазмуни ҳамда ҳуқуқий давлат (жамият)ни барпо этиш талабларидан келиб чиқадиган муҳим ижтимоий зарурият ҳисобланади. Ушбу ижтимоий заруриятнинг иккинчи жиҳати – баркамол шахс ва етук мутахассисни таълимлаб вояга етказишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат мазмуни асосида белгиланади.

2. ТМда амалга оширилаётган Касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири - Касбий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш ҳисобланади. Янги турдаги ТМда Касбий таълимни янги педагогик технологиялар ва уларнинг ғояларига мувофиқ ташкил этилиши Касб фани ўқитувчиларининг янги педагогик технологиялар моҳиятидан хабардор бўлишларига боғлиқ эканлиги аён бўлди.

3. Касбий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш йўлидаги маълум муаммоларни ҳал қилиш тадқиқот доирасида амалга оширилган фаолият асосини ташкил этади. Махсус дастур ва тадбирлар режасининг моҳияти ТМда фаолият юритаётган касбий фанлари ўқитувчиларга янги педагогик технологияларга оид билимларни тақдим этишга йўналтирилганлиги билан характерлидир.

4. ТМ фаолиятида Касбий таълим ва уни муваффақиятли ташкил этиш масаласи алоҳида ўрин тутиши кузатишларимиз давомида аниқланди. Касбий таълим самарадорлигини ошириш йўлида маълум чоратадбирларнинг белгиланиши ҳамда муайян ҳаракатларнинг амалга оширилиши талаба-ларнинг маънавий-ахлоқий ҳамда Касбий маданиятини шакллантириб қолмай, балки ижтимоий-Касбий фаолликларининг ошишига замин ҳозирлайди.

5. ТМда Касбий таълим самарадорлигини ошириш динамик характер касб этиб, унинг муҳим омили - мазкур жараённи янги педагогик технологияларни татбиқ этишдан иборатдир.

6. ТМ касбий фанлари ўқитувчи-ларининг мутахассислик билимларини чуқурлаштириш, педагогик маҳоратларини такомиллаштириш, уларни янги педагогик технологияларга оид маълумотлар билан қуроллантириш мазкур ўқув муассасаларида олиб борилаётган Касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

7. ТМда амалга оширилаётган Касбий таълим самарадорлигини маълум мезонлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Чунончи, талабалар томонидан Касбий билим, кўникма, малакаларнинг максимал даражада ўзлаштирилиши; бунда сарфланадиган вақтнинг барқарорлиги; шунингдек, таълим-таълим воситаларидан минимал даражада фойдаланиш. қайд этилган мазкур ҳолатларнинг ТМ фаолиятида намоён бўлиши ушбу таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим-таълимнинг мақсадга мувофиқ амалга оширилишидан далолат беради.

3-БОБ. КАСБИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

3.1. Касбий таълим самарадорлигини ошириш методикасини илмий тадбиқ қилиш

ТМда амалга оширилаётган касбий таълим асосини “Касбий” фанлар – назарий асослари тўғрисида талабаларга назарий билимларни бериш, уларда ҳаётий ҳамда касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида ўзлаштирилган касбий билимларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган педагогик фаолият ташкил этади. Айни вақтда ушбу педагогик фаолият мазмуни янги турдаги ўқув муассасаларида йўлга қўйилаётган касбий таълимнинг асосий мақсадини ҳам ифодалашга хизмат қилади [18].

ТМ талаблари томонидан касбга оид билимларнинг пухта эгалланиши, Давлат таълим стандартлари даражасида касбий билимларни ўзлаштиришлари ҳамда уларнинг касбий маданиятга эга бўлишларини таъминлашда ўқув-меъёрий ҳужжатлар (ДТС, ўқув дастурлари) талабларига мувофиқ амалга оширилаётган касбий таълим муҳим аҳамиятга эга [19].

Дарҳақиқат, касбий таълим жараёнида талабаларга тақдим этилаётган касбга оид билимлар янги турдаги ўқув муассасалари талабаларининг касбий онгини шакллантиришга имкон беради. Бироқ касбий таълим жараёни ҳамма вақт ҳам кутилган натижаларни бера олмайди. Касбий таълим жараёни самарадорлигининг паст бўлишига сабаб бўлаётган омиллар хусусида диссертация ишининг дастлабки бобида батафсил сўз юритилганлигини инобатга олиб, уларни бартараф этишга йўналтирилган педагогик ёндашувларни илгари сурамиз.

ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг бош мақсади, янги турдаги ўқув муассасаларида талабаларга касбий билимларни етказиб бериш, уларда касбий онгни шакллантиришда кам жисмоний куч ва вақт сарф этиб, юқори кўрсаткичларга эришиш омилларини аниқлашдан иборат [20]. Ушбу мақсаднинг ижобий ечимини таъминлаш бугунги кун талаби ва ижтимоий муносабатлар мазмунининг чуқурлашуви натижасида юзага келаётган ҳаётий зарурат туфайли касбий таълим жараёнини такомиллаштиришга нисбатан янгича ёндашувнинг қарор топишини тақозо этади. ТМда амалга оширилаётган касбий таълим самарадорлигини оширишга қаратилган мақсаднинг ижобий натижа бериши бу йўлда бир қатор педагогик вазифаларнинг бажарилишини талаб этади. Бизнинг назаримизда, улар қуйидагилардан иборат:

1. ТМда касбий таълимни давр талаблари даражасида амалга ошириш имконини берадиган объектив шарт-шароитларнинг яратилиши (касбий таълим жараёнининг замонавий ўқув жиҳозлари, техника

воситалари, ўқув-методик адабиётлар, ўқув дастури, дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалар, кўрсатмали куроллар билан таъминланишига эришиш.

2. Касбий фан ўқитувчиларининг касбий билим ва педагогик маҳоратларини ошириб боришлари учун шароит яратиш.

3. ТМ касбий фан ўқитувчиларига янги педагогик технология назарияси мазмуни хусусида маълумотлар беришга эришиш.

4. Уларда касбий таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.

5. Касбий фан ўқитувчиларининг касбий таълимни ташкил этишга нисбатан янгича, технологик ёндашувини қарор топтириш.

6. ТМда эришилган касбий таълим самарадорлигининг мавжуд даражасини таҳлил этиш.

ТМда касбий таълим самарадорлигини ошириш қўйидагилар ёрдамида таъминланади [21]:

- мазкур ТМда фаолият юритаётган касбий фан ўқитувчиларининг мутахассислик фанлари ҳамда педагогик билимлар асосларини пухта ўзлаштирганликлари;

- эгаллаган касбий ва педагогик билимларни амалиётда қўллай олиш малакасига эгалликлари;

- касбий фанлари ўқитувчиларининг ўз устида ишлаш ва ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эгалликлари;

- ТМ талабаларида касбий билим асосларини ўзлаштиришга нисбатан кизиқиш, эҳтиёж ва рағбатни қарор топтира олишлари;

- ташаббускорлик ва ташкилотчилик лаёқатларига эгалликлари;

- жамиятда рўй бераётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг моҳиятини чуқур англашлари;

- уларнинг янги педагогик технологиялар ва улардан таълим жараёнида самарали фойдалана олишнинг моҳиятини чуқур англашлари;

- ТМнинг етарли даражада ўқув моддий-техник базасига эгаллиги; ТМда касбий таълим самарадорлиги таъминлашга хизмат қиладиган мониторингнинг ташкил этилганлиги кабилар янги турдаги ўқув муассасаларида касбий таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда касбий фан таълими мониторинги етакчи мавқени эгаллайди. Зеро, унинг таркибидан ТМда ўқитилалиган касбий фанларнинг мазмунини акс эттирувчи ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик адабиётлар ўрин олгандир.

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари жараёнида янги турдаги ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи энг мақбул шакл, метод ва воситалар аниқланди [22]. Касбий фан ўқитувчилари томонидан қўйидаги шакл, метод ва воситалардан муваффақиятли фойдаланилган ҳолда, касбий таълим самарадорлигининг ошишига эришиш мумкин:

- маъруза, маъруза-мунозара, семинар, давра столи, матбуот конференцияси, учрашув, амалий фаолият каби машғулот шакллари;

- маъруза, оғзаки баён қилиш, кўргазмалилик, лаборатория ва амалий машғулотлар, муаммоли вазиятларни ҳал этиш, “Кластер”, “6x6x6”, “Ақлий хужум”, “Фикрларнинг шиддатли хужуми”, “қарорлар шажараси”, “Кубик” ва ҳоказо методлар [13];

- ўқув-техник воситалар - радио, телевидение, видео қурилма, компьютер, слайд ва нусха кўчирувчи қурилмалар каби воситалар, шунингдек, ТМ ўқитувчиларининг билимларини бойитиш, уларда касбий таълимни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнида ҳаётий воқеа-ҳодисалардан мисоллар келтириш ва бошқалардан унумли фойдаланилди.

ТМда касбий таълим самарадорлигини ошириш йўлида олиб борилган тажриба-синов ишлари жараёни ва уларнинг моҳияти борасида қуйида батафсил сўз юритамиз.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида олиб борилган тажриба-синов ишларини ташкил этишда қуйидаги ҳолатлар инобатга олинди:

1. Касбий фан ўқитувчиларида касбий таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувнинг юзага келганлиги.

2. Уларда янги педагогик технологиялар моҳиятини англаш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этишга нисбатан истакнинг мавжудлиги.

3. Машғулотлар жараёнида талабаларнинг ўз фикрларини эркин баён эта олиш имкониятларига эгалликлари.

4. Талабаларнинг хоҳиш-истаклари, руҳий ҳолатлари, шунингдек, билим даражалари.

Ушбу ҳолатлар асосида қуйидаги вазифалар бажарилади:

- машғулот мақсадини аниқлаб олиш;

- мақсад доирасида амалга ошириладиган вазифаларни белгилаш;

- машғулот мазмунини ишлаб чиқиш;

- машғулот мазмунини тўлақонли ёритишга хизмат қиладиган шакл, метод ва воситаларни аниқлаш;

- талабалар томонидан мавзу ёки ўқув материали моҳиятининг ўзлаштирилиш даражасини белгиловчи назоратни йўлга қўйиш;

- талабалар томонидан мавзу ёки ўқув материали моҳиятини ўзлаштирганлигини ифодаловчи натижаларни умумлаштириш, таҳлил этиш ва хулосалаш;

- машғулотнинг самарадорлик даражасини эътироф этиш асосида навбатдаги фаолият йўналишини белгилаб олиш.

Таъкидлаб ўтилганидек, ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили - мазкур жараёнда илғор методлар, хусусан, янги педагогик технологиялар билан касбий фан ўқитувчиларининг қуролланганликлари ва улардан касбий таълимни ташкил этишда фойдалана олишлари ҳисобланади [18]. Шу боис, тадқиқот доирасида тажриба-синов

ишларини йўлга қўйишда касбий фанлари ўқитувчиларининг мутахассислик ва педагогик билимлари даражасини ошириш, шунингдек, уларни янги педагогик технологиялар билан қуроллантиришга алоҳида эътибор қаратилади [23]. Бу, ўз навбатида, КХКнинг касбий фан ўқитувчилари иштирокидаги машғулотлар моҳиятида ҳам ўз ифодасини топди. Таъкидланган ушбу фикр қуйидаги машғулот мазмунида яққол акс этади.

ТМда касбий таълим самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этиладиган “Ижодий фаолиятнинг касбий таълимни ташкил этишдаги муҳим роли” мавзусидаги тадбир шундай таркибий қисмлардан иборат.

1. Ташкилий қисм – тажриба-синов ишларини йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган махсус дастур ҳамда тадбирлар режасига мувофиқ “Ижодий фаолиятнинг Касбий таълимни ташкил этишдаги муҳим роли” мавзусидаги тадбирни уюштириш- респондентларга тадбир мавзуси, ташкил этилиш вақти, ўрни, машғулот шакли ҳамда унинг ўтказилиши учун масъул этиб белгиланган шахслар хусусидаги маълумотларни етказиш. Ушбу йўлдаги ҳаракат-ёзма равишда эълон қилиш ёки муайян йиғилишлар жараёнида бу ҳақида респондентларнинг огоҳлантирилиши шаклида амалга оширилиши мумкин. Тадбирнинг таркибидан қуйидагилар ҳам алоҳида ўрин олади:

а) тадбир ўтказиладиган жой (сахна, зал)ни безаш – турли шиор ёки ўқув фанлари ўқитувчиларининг ижодий ишларидан намуналар, муайян мавзулардаги машғулотларнинг лойиҳалари, кўргазмали қуроллар- шарҳ, жадвал, диаграмма ҳамда тасвирлар ёрдамида аудитория, зал ёки сахна майдонида тадбир руҳининг намоён бўлишига эришилади;

б) тадбирнинг иш қуроллари–ёзув ручкалари, оддий қаламлар, қоғозлар, юпка ҳамда қалин, шунингдек, турли ўлчамдаги, рангли сиёҳларда ёзувчи ручкалар (фломастер, гуашь), ёзув тахтаси, қисқич ҳамда чизғичлар билан таъминланишига эришилади;

в) педагогик фаолият, касбий фанлари, шунингдек, янги педагогик технологиялар моҳиятидан тадбир иштирокчиларини хабардор этувчи ўқув-методик адабиётлар-дарслик, қўлланма, рисола, илмий мақола, дастур ва режалардан иборат бурчак ташкил этилади.

II. Асосий қисм қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

1. Тадбир иштирокчилари (респондентлар)нинг ижодий фаолият ва ундан Касбга оид фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланишга нисбатан муносабатлари, бу борадаги шахсий фаолиятларининг муайян даражасини баҳолашлари, яъни ўз-ўзини назорат ва баҳолаш асосида Касбий таълим самарадорлигини ошириш йўлидаги шахсий интилишлари ҳамда бу борадаги тақлифларини назарий жиҳатдан ўрганилади. Шу мақсадда тадбир жараёнида респондентларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинди:

1.1. “Ижодий фаолият” тушунчаси Сиз учун қандай мазмун англатади?

1.2. Сиз шахсий касбий фаолиятингизга нисбатан ижодий ёндашасизми?

1.3. Касбий таълимни ташкил этиш жараёнига нисбатан ижодий ёндашув, Сизнинг назарингизда, нималарда акс этади?

1.4. Сиз қандай фикрдасиз, Касбий таълимни ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашув ушбу жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладими?

2. Тадбир иштирокчиларига Касбий таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг аҳамияти ҳақидаги маълумотлар берилди. Мазкур босқичда қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

2.1. Янги педагогик технологиялар–таълим жараёнига нисбатан ижодий ёндашувнинг ёркин намунаси (маъруза - ахборот).

2.2. Касбий таълим жараёнини лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятлари (кўргазмали тақдимот).

1.1. “Менинг бир соатлик фаолиятим” (амалий тренинг).

III. Якуний қисмда тадбир мазмуни ҳамда уни ўтказиш жараёнининг муҳокамаси уюштирилади. Ушбу босқичда респондент-ўқитувчилар иштирокида қуйидаги саволларга жавоблар олинди:

3.1. Тадбир мазмуни ва моҳияти Сизнинг қизиқиш ва эҳтиёжларингиз даражасига мос кела олдими? (Интервью).

3.2. Тадбир мазмуни ва унинг ўтказилиши Сизни қониқтирдими? (Интервью).

3.3. Тадбир жараёни Сизда қандай тушунча ва кўникмаларни шакллантиришига хизмат қилди? (Сухбат).

3.4. Касбий таълим самарадорлигини ошириш борасида қандай таклифларни илгари сурган бўлардингиз? (Баҳс-мунозара).

IV. Тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга қаратилган ҳаракат таҳлил қилинади. Ушбу жараён тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул этиб белгиланган ўқитувчилар билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Тадбир лойиҳаси таркибидан ўрин олган якуний (III) қисм доирасида илгари сурилган сўровларнинг турли шакллар асосида ижобий ечимга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан кўзланган мақсад, фаолиятнинг бир қолипга тутишишига йўл қўймаслик, респондентларнинг ўз фикрларини эркин баён этишларига имкон бериш, уларнинг тадбир жараёнига фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборат бўлди.

“Ўзбекистон, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган узлуксиз таълим тизими ўз моҳиятига кўра жаҳон таълими стандартлари даражасида фаолият юритувчи таълим муассасаларига эга бўлиши лозим. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда бунёд этилган ТМ олдида ҳар томонлама етук, мустақил фикр эгаси бўлган, мутахассислик фанлари асосларини пухта ўзлаштирилган ҳолда замановий технология ва техник воситалардан фойдалана олиш лаёқатига эга бўлган баркамол шахсни етиштиришдек ўта муҳим вазифа турибди [24]. Мазкур вазифани ижобий ҳал

этиш, ўз навбатида, икки муҳим омилга боғлиқ: бу биринчидан, мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлган янги турдаги ТМ фаолиятини такомиллаштириш, иккинчидан, ушбу таълим муассасаларида мутахассислик фанлари ва педагогик билим асосларини тўлақонли ўзлаштирган, фидоий, ўз устида изланадиган, ташаббускор ва ташкилотчи ўқитувчилар меҳнат қилишлари лозим.

Айни вақтда тадқиқот дастури доирасида ташкил этилаётган тадбирлар мазмунида ТМ ўқитувчиларининг қизиқиш, хоҳиш-истак ва эҳтиёжларига мувофиқ улар ўртасида янги педагогик технология асослари хусусидаги билимларни тарғиб этиш асосида Касбий таълим самарадорлигини оширишга қаратилгандир (Интервью 2013 йилнинг ноябрь ойида ёзиб олинди).

Уюштирилган тадбирнинг респондент ўқитувчиларда қандай тушунча ва кўникмаларни ҳосил қилганлигини аниқлаш мақсадида ташкил этилган суҳбат жараёнида улар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосага келдик.

а) Касбий таълимни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлигини англаш;

б) ижодий фаолиятни ташкил этиш, Касбий таълим самарадорлигини таъминловчи муҳим омил эканлигига ишонч ҳосил қилиш;

в) янги педагогик технологиялар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш;

г) янги педагогик технологияларни Касбий таълим жараёнига татбиқ эта олиш кўникмасининг шаклланиши;

д) муайян ўқув фаолиятини олдиндан лойиҳалаш кўникмасига эга бўлиш ва бошқалар.

Юқорида билдирилган фикрлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. ТМда амалга оширилаётган Касбий таълим самарадорлигини ошириш-ижтимоий-Касбий ислохотлар мазмуни ҳамда Касбий давлат (жамият)ни барпо этиш талабларидан келиб чиқадиган ижтимоий зарурият ҳисобланади. Ушбу ижтимоий заруриятнинг иккинчи жиҳати-баркамол шахс ва етук мутахассисни таълимлаб шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий-педагогик фаолият мазмунида ифодаланади.

2. ТМда амалга оширилаётган Касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири – Касб таълими жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этишдан иборат. Янги турдаги ўқув муассасаларида Касбий таълимни янги педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ташкил этилиши ўқитувчиларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

3. Касбий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш соҳасидаги айрим муаммоларни ҳал қилиш тадқиқот вазифалари таркибига киради. Махсус дастур ва тадбирлар режасида ҳам бу вазифалар ўз аксини топган.

ТМ талабаларида Касбий онг ва маданият ушбу масканларда амалга оширилади. Касбий таълим ва таълим ўртасида ўзаро алоқадорлик қарор топгандагина самарали шакллантириш мумкин.

3.2. ТМда амалга ошириладиган касбий таълим методикасининг самарадорлик даражаси

Илгари сурилган мақсаднинг ижобий натижаси қуйидаги педагогик вазибаларнинг ҳал этилишини назарда тутди:

1. ТМда амалга оширилади Касбий таълимнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш, унинг сифат даражасини аниқлаш.

2. ТМда Касбий таълимни самарали ташкил этиш имконини берадиган дидактик ва таълимвий омилларни аниқлаш.

3. ТМ талабалари ўртасида Касбга оид билимлар тарғиботини кучайтириш.

4. ТМ талабаларида Касбий фаолиятни амалга оширишга оид кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.

5. Уларда Касбий эришиш.

6. ТМ Касб фани ўқитувчиларида Касбий таълимни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувнинг қарор топиши ҳамда уларнинг педагогик маҳоратларининг ошишига эришиш.

7. ТМда Касбий таълимни ташкил этиш соҳасида самарадорликка эришиш имкониятларига эгаллиги эътироф этилган махсус методикани тажриба-синовидан ўтказиш.

8. Яқунловчи тажриба-синов ишларининг натижаларини математик-статистик метод ёрдамида қайта ишлаш асосида махсус методика, шунингдек, тадқиқот иши мазмуни ҳамда уларда илгари сурилган ғояларнинг самарали, асосли эканлигини тасдиқлаш.

ТМда амалга оширилади Касбий таълим самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган ишлар қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ташкилий тайёргарлик босқичи. Мавзунинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш асосида мавжуд муаммолар аниқланиб, ТМда амалга ошириладиган Касбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қила-диган дидактик тадбирларнинг лойиҳаси таёрланди, уларнинг мазмуни ҳамда ўтказилиш тартиби ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, узвийлик ва боғлиқлик-нинг юзага келиши таъминланади.

2. ТМда амалга оширилади Касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган тажриба-синов гуруҳларини белгилаш босқичи. Мазкур босқичда тажриба-синов ишларига жалб этиладиган гуруҳлар (тажриба ҳамда назорат) аниқланди. Респондентларга тажриба-синов

ишларини олиб боришдан кўзланган мақсад, педагогик вазифалар, махсус методика мазмунида ифодаланган тадбирларнинг ўтказилиш тартиби, даврийлик, таж-риба-синов ишлари респондентларининг ушбу жараёндаги тутган ўрни ҳақидаги асосий маълумотлар берилди, уларнинг тажриба-синов жараёнига нисбатан муносабатлари ўрганилади.

3. Сўнгра ТМда Касбий таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган илмий-методик тавсиялар яратилади.

ТМда Касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган ишлар қуйидаги методлар ёрдамида амалга оширилди:

1. Педагогик тажриба методи. Тадқиқот доирасида амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида мазкур методдан фойдаланиш қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал қилишга оширишга имкон беради:

а) ТМда Касбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган махсус методиканинг мақбуллиги ҳамда мақсадга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини аниқланади;

б) ТМда Касбий таълим самарадорлигини ошириш имконини берадиган шарт-шароитлар ҳамда эришилиши назарда тутилган натижалар орасидаги ўзаро алоқадорликнинг намоён бўлиши;

в) махсус методика моҳияти, шунингдек, ўрта махсус ўқув юртларида Касбий таълим самарадорлигини таъминлаш учун сарфланадиган вақт ҳажми, ўқитувчи маҳорати, талабаларнинг мустақил равишда ўқиб-ўрганишлари, фаоллик кўрсатишлари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд эканлигини асос-лаш.

г) ТМда амалга оширилаётган Касбий таълимнинг мавжуд ҳолати билан унинг самарадорлигини ошириш имконини берадиган методикани қўллаш натижасида эришилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқни таққослаш;

д) ТМда амалга оширилаётган Касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган методиканинг мавжуд педагогик шарт-шароитларга мувофиқ келишини асослаш.

1. **Педагогик кузатув методи.** Мазкур метод ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаолиятни яхлит жараён сифатида тасаввур қилиш имкониятинигина яратиб қолмай, балки тавсия этилаётган методиканинг қийматини ошириш омиллари, даврийлиги, самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга шароит яратади. Педагогик кузатув методи ёрдамида нафақат Касбий таълим самарадорлигини таъминлаш динамикаси кўзга ташланиб қолмасдан, балки тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида намоён бўлган ҳолатларни инобатга олиш асосида махсус методика мазмунига муайян ўзгартиришлар киритиш, унинг дидактик жиҳатдан бойитиб борилишини таъминлаш мумкин бўлади [25]. Педагогик кузатув методи, тажриба-синов ишлари жараёнида бевосита тадқиқотчи ҳамда касбий фан ўқитувчиларининг ёрдамларига таянган ҳолда ташкил этилади.

2. **Анкета сўровларини ташкил этиш методи.** Ушбу метод тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида бевосита респондентлар томонидан ТМда касбий таълимнинг мавжуд аҳволини баҳолашга таянган ҳолда унинг самарадорлигини таъминлашга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, имкониятларни излаб топиш, улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш, шунингдек, махсус методика мазмунига муайян ўзгартиришларни киритишга имкон беради.

3. **Сухбат методи.** Мазкур методдан юқорида қайд этилган анкета сўровларини ташкил этиш методининг узвий давоми сифатида фойдаланилди. Сухбат методи ҳам амалга оширилган тадқиқот бўйича респондентларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш унинг моҳиятини ҳар томонлама таҳлил этиш учун муайян шароит яратишга хизмат қилди. Тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида сухбат методидан маълум мавзунини танлаш, унинг моҳиятини ёритишга йўналтирилган, ишлаб чиқилган саволлардан фойдаланилди. Сухбат жараёнида респондентларнинг шахсий фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишларига алоҳида диққат қаратилади.

4. **Ўқув ҳужжатлари мазмунини таҳлил этиш методи.** Мазкур методдан самарали фойдаланиш ўрта махсус ўқув юртларида касбий таълим мазмунининг мавжуд ҳолати ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. ТМ учун мўлжалланган касбий фан ўқув дастури, шунингдек, касбий таълимни самарали ташкил этиш мақсадида яратилган режа мазмунида касбий таълим моҳиятининг акс этиши жамият буюртмаси ҳамда ижтимоий заруриятнинг қондирилиши учун шароит яратади. Мазкур ТМ учун касбий фан бўйича тузилган ўқув дастурлари ҳамда касбий таълим режасига киритилган мавзуларни ўргатиш касбий таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган дидактик шарт-шароитлардан бири ҳисобланади.

5. **Замонавий педагогик методлар.** Замонавий педагогик (технологик) методлар ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган асосий омилдир. Замонавий педагогик технологиялар сифатида эътироф этилган “Ақлий ҳужум”, “Фикрларнинг шиддатли ҳужуми”, “Кластер методи”, “6х6х6”, “қарорлар қабул қилиш технологияси” (“қарорлар шажараси”) каби методлардан касбий таълимни ташкил этиш, бу борада муайян самарадорликка эришиш йўлида қулай шарт-шароитни вужудга келтиради [25, 26]. Касбий таълимни амалга ошириш жараёнида талабаларнинг мустақиллиги, уларнинг эркин фикрлаш кўникмасини шакллантириш, фаолликларини ошириш кабилар назарда тутади. Ушбу кўникмалар замонавий педагогик методлардан касбий таълим жараёнида самарали фойдаланиш натижасида шаклланади.

ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаолият натижасида муайян ютуқларга эришиш ушбу ТМда қуйидаги омиллар мавжудлигини кўрсатади:

а) объектив омиллар:

- ТМда касбий таълим самарадорлигини ошириш имконини берадиган педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги (такомиллаштирилган ўқув-методик мажмуалар);

- оммавий ахборот воситалари хизматидан фойдалана олиш имкониятлари;

- ўқув ва мутахассислик фанларини ўқитишда улар ўртасидаги алоқадорликнинг мавжудлиги.

2) Субъектив омиллар:

- ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга нисбатан алоҳида эътиборнинг мавжудлиги;

- мазкур ТМда самарали касбий таълимни ташкил этиш таълим муассаси жамоасининг умумий мақсадларидан бири эканлиги;

- ТМ касбий фан ўқитувчиларининг чуқур билим ва педагогик маҳоратга эга эканликлари;

- янги турдаги ТМ талабаларида касбий билимларни пухта эгаллаш, ўзларида касбий маданият унсурларини ҳосил қилиш эҳтиёжи, қизиқиш ва рағбатнинг мавжудлиги;

- касбий фан ўқитувчиларида касбий таълимни ташкил этиш борасида янгича ёндашувнинг қарор топганлиги;

- касбий таълим ҳамда таълим жараёни ўртасида бирлик ва изчилликнинг мавжудлиги кабилар.

3.3. Ўқув жараёнини интерфаол усуллар ёрдамида ташкил этиш

Касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири - Касбий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш ҳисобланади [25,13,18].

3.3.1. Мирзо Улуғбек технология касб-хунар коллежининг 3541100-Озиқ – овқат технологияси таълим йўналишида ўқитиладиган “Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси” фани бўйича ишланмани кўриб чиқамиз [27,28,29].

**“Маҳсулотларга шакл бериш. Нам маҳсулотларни бўлаклаш”
мавзусидаги**

маъруза машғулотини ўтказиш учун услубий ишланма

Ишлаш учун бошланғич материаллар:

- фан бўйича дарслик ёки ўқув кўлланмалар.
- маъруза конспекти;
- машғулот дафтари

Машғулотнинг услубий таъминоти:

1. Г.М.Медведева «Технология и ТХК макаронного производства» М.: «Колос» 1998г. 2. Т.Б.Цыганова, И.В.Матвеева. Справочное пособие

по контролю за качеством хлебобулочных и макаронных изделий.
Росхлебинспекция. 1999г.

2. М.Г.Васиев, М.А.Васиева, Х.Ж.Илолов, М.А.Саидходжаева. «Нон, макарон қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси»
Тошкент-«Меҳнат»-2003й.

3. Васиев М.Г., Васиева М.А. Макарон маҳсулотлари технологияси.
Бухоро 2001й.

Ушбу мавзу бўйича маъруза машғулоти олиб бориш методикаси қуйидагича бўлади:

Вақти: 4 соат	Талабалар сони: 30 та
Машғулоти шакли	Маҳсулотларга шакл бериш. Матрицалар. Уларнинг турлари. Нам маҳсулотларни бўлаклаш муаммо ва мавзу тушунчалари бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш
Мавзу режаси	1. Маҳсулотларга шакл бериш. Матрицалар. Уларнинг турлари. 2. Нам маҳсулотларни бўлаклаш
Машғулотнинг мақсади:	Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари
1. Мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратиш; 2. Мавзу бўйича эгалланган назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқур ўзлаштириш; 3. Интерфаол методларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш; 4. Талабаларни мустақил фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатиш.	1. Маъруза машғулоти режалари билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; 2. Нам маҳсулотларни бўлаклаш ва шакллашга оид таъриф ва тушунчалар бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 3. Нам маҳсулотларни бўлаклаш ва шакллаш бўйича эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади; 4. Матрицалар. Уларнинг турлари. ҳақида эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва чуқурлаштирилади ва уларни амалиётда қўллаш бўйича кўникмалар шакллантирилади;
Ўқитиш усуллари	Топшириқлар, “Савол-жавоб”, Кластер “Синквейн” усули, “БББ” методи.

Ўқитиш воситалари	Дарслик, маъруза матни, маркерлар, қоғозлар, тарқатма материаллар
Ўқитиш шакллари	Якка тарзда ва жамоада ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган ва кичик гуруҳлар билан ҳам ишлаш мумкин бўлган ўқув хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, тест саволлари

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мезони	
	Ўқитувчи	Талаба
I. Кириш босқичи. (10 минут)	1. Маъруза машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижалари эълон қилинади	Тинглайдилар
	2. Машғулотни турли методлар асосида амалга ошириш тушунтирилади	Тинглайдилар
II. Асосий босқич (60 минут)	<p>1. Талабаларни машғулот жараёнидаги фаоллигини ошириш мақсадида “Савол-жавоб” усули орқали савол жавоб ўтказилади (1-илова)</p> <p>2. “Нам макарон маҳсулотларини шакллаш ва бўлаклаш” мавзусига Кластер тузиш таклиф этилади. (2-илова)</p> <p>3. Натижалар тақдимот этилади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилинади, диққатларини асосий нуқталарга жалб этилади.</p> <p>4. Гуруҳдаги ҳар бир талабага индивидуал тарзда макарон, матрица, шакллаш, бўлаклаш тушунчаларига Синквейн тузиш топшириғи берилади (3-илова)</p> <p>5. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди. Топшириқни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато-камчиликларни изоҳлаб тушунтириб беради ва талабалар фаолиятини баҳолайди.</p>	<p>Саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаради</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Кластер тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p> <p>Синквейн тузадилар.</p> <p>Тинглайдилар ва топшириқни бажарадилар</p>

	<p>6. Натижаларни текширади, гуруҳларга топшириқларни бажариши учун ёрдам беради ва талабалар билан биргаликда муҳокама қилади, ҳамда диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.</p> <p>7. Талабалар билимини назорат қилиш мақсадида тест-синов саволлари орқали савол жавоб ўтқзади, уларни баҳолайди..</p>	Тинглайди, мунозарада фаол иштирок этади.
Ш.Якуний босқич (10 минут)	1. Ишга якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Эшитади, аниқлайди
	2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. Мавзу бўйича “БББ” жадвалини тўлдириш вазифаси берилади.	Ўзадилар “БББ” жадвалини тўлдиришади

1-илова

“Савол-жавоб” усулига саволлар намунаси

1. "Макарон хаамири" деганда нимани тушунаси?
2. Бир шнекли прессда макарон хаамири тайёрлаш ва шакл бериш кдндай амалга оширилади?
3. Матрица кандай вазифани бажаради?
4. Найсимон макарон махсулотларини тайёрлашда канака матрица кулланилади?
5. Ипсимон ва тасмасимон макарон махсулотларини тайёрлашда канака матрица кулланилади?
6. Вкладишнинг тузилиши канақа ва у кандай вазифани бажаради?
7. Матрица тешигидаги кириш камераси ва шакл берувчи канал кдндай вазифани бажаради?
8. Макарон хаамирига шакл беришнинг юкрри ҳароратли режими мохияти нимада ва у кайси холларда кулланилади?
9. Нам макарон махсулотларида нук,сонлар юзага келишининг асосий сабаблари нималардан иборат ва уларни бартараф этишнинг кандай тадбирлари мавжуд?
10. Нам махсулотларни булаклаш кандай технологик операциялардан иборат?
11. Киска кесилган нам махсулотларни хуриткич тасмасига тахлаш механизмлари кандай тузилган ва ишлаш тартиби канака?
12. Нам махсулотларни киркиш кайси механизмлар ёрдамида ва кандай амалга оширилади?

13. Узун махсулотларни бастунларга икки ёклама узи осувчи механизмнинг ишлаш принципи қанақа?

14. Макаронларни лотокли кассеталарга тахлашда қандай қоидаларга риоя қилиш керак?

15. Узун махсулотларни бастунларга ошишнинг қандай қридалари мавжуд?

16. Агар найсимон махсулотларнинг учлари эзилган ёки найлар мажак булиб прессланаётган булса қандай чораларни куллаш лозим?

2-илова

“Кластер” методини амалга ошириш босқичлари:

1. Топширикни диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Фикрни тармоқланиш жараёнида пайдо бўлган ҳар бир фикрни ёзинг.
3. Имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор берманг.
4. Белгиланган вақтдан унумли фойдаланишга ва фикрингизни жамлашга ҳаракат қилинг.
5. Ҳар бир тармоқда талаб қилинаётган тушунчаларга мумкин қадар тўлароқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.
6. Жавобларни ёзишда фақат ўз билимларингизга таянган ҳолда иш юритинг.


(3-илова)

“Синквейн” методини амалга ошириш босқичлари:

1. Ўқитувчи талабаларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.
2. Талабалардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади. У қуйидаги қоидага асосан тузилиши керак:
 - 1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.
 - 2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.
 - 3-қаторда мавзу 3та ҳаракатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.
 - 4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг ҳиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.
 - 5-қаторда мавзуни моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади.У мавзунинг синоними бўлади.

«Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билдим (Б/Б/Б)» усули

Матнни интерфаол ўқиш-ўзлаштириш усулларида бири бўлиб, жадвал кўринишда бажарилади ва қуйидагича қўлланилади: таълим олувчиларга бирор мавзу эълон қилинади. Бу тўғрида уларга маълум бўлган ахборотларни жадвалнинг “Биламан” қисмига, мавзу бўйича яна қандай маълумотларни билишни хоҳлашса, уларни жадвалнинг “Билишни хоҳлайман” қисмига ёзадилар. Сўнгра, уларга мавзуга оид матн тарқатилади. Улар микрогуруҳлар таркибида матнни мустақил ўзлаштириб, жадвалнинг “Билдим” қисмини тўлдирдилар. Ҳар бир микрогуруҳ сардори (вакили) тузилган жадвалларни тақдим қилади. Жадвалнинг барча қисмлари таққосланади.



1-топшириқ: Нам макарон маҳсулотларини шакллаш ва бўлаклаш мавзусига Кластер тузиш



2-топшириқ: “Нам макарон маҳсулотларини шакллаш ва бўлаклаш” мавзусига Синквейн методини қўллаш



2-топшириқ: “Нам макарон маҳсулотларини шакллаш ва бўлаклаш” мавзусига Синквейн методини қўллаш

Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим
<p>Макарон маҳсулотларига шакл беришда икки хил матрицалар (юмалоқ ва тўғри бурчакли) ишлатилиши ҳамда маҳсулот сифатига таъсир этишини биламан.</p> <p>Бўлаклашдан мақсад қуритилишга тайёрлашлигини биламан.</p>	<p>Матрицалар қандай материаллардан тайёрланиши ва қандай шароитларда ишлатилишини, уларнинг тузилишини билишни хохлайман. Шунингдек, нам маҳсулотларни бўлаклаш жараёнини ўзига хос хусусиятларини ҳамда қандай ускуналардан фойдаланишни билишни хохлайман.</p>	<p>Нам маҳсулотларга шакл беришда фойдаланиладиган матрицаларнинг тешиklarининг тузилиши вкладишли ва вкладишсиз бўлишини; Матрицалар коррозияга учрамайдиган материаллардан тайёрланишини; Маҳсулотларни икки билан, яъни матрица сиртида пичоқни сирпантириб ёки осилган холда кесилиши, УКМ, АПР-1 механизмларини қўлланилишини билиб олдим.</p>


3-топширик: “Нам макарон маҳсулотларини шакллаш ва бўлаклаш”
мавзусига “БББ” методини қўллаш

**3.3.2. М. Улуғбек технологиялари касб-хунар коллежида
ўқитиладиган “Ошпазлик технологияси” фанини «Озиқ-овқат
маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хом ашёлари» мавзуси бўйича
дарс ўтиш методикаси ва яратилган ишланмани баёни**


- 1.Машғулотнинг мавзуси ва режаси изоҳланади.
- 2.Таянч ибора ва тушунчаларини, машғулотлардан кутиладиган натижаларни тушунтирилади.
- 3.Машғулотнинг мақсадлари ва мустақил урганиш натижаларини айтилади.
- 4.Таълим олувчиларини ақлий хужумга тортиш учун фаоллаштирувчи саволвр берилади.
- 5.Мавзунинг асосий ва мохияти тушунтирилади.
- 6.Мавзунинг таянч ибораларини интерфаол усуллардан бири булган «БББ» усули билан ўргатиш таклиф этилади.
7. **«Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хом ашёлари»** тушунчасини кенгрок эритиш, ахборотини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида «ФСМУ» методидан фойдаланиш учун вазифалар берилади.
8. «Балиқ скелети» методининг мохиятини тушунтирилади, асосий муаммо тўғрисида фикр берилади.
- 9.Мустақил равишда ишлашлари учун талабаларга **«Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хом ашёлари»** мавзуси бўйича «Резюме» жадвалини тўлдириб келиш уйга вазифа қилиб берилади.

1-топширик: “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хом ашёлари” мавзусига “БББ” усулини қўллаш.

Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим
<ul style="list-style-type: none"> - озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг турига қараб, хом ашёлар ҳам турли-туманлигини; - хом ашёлар-ўсимлик, мева, полиз ва хайвонот хом ашёлари турларига бўлишини; - хом ашёни сақлашни ташкил этиш муҳим жараён эканлигини; - қайта ишлаш давригача сақлашда хар хил йўқотишлар содир бўлишини биламан. 	<ul style="list-style-type: none"> - хом ашёни сақлаш усулларини; - хом ашёни сақлаш йўқотишлари турларини; - дон ва дон маҳсулотларини сақланиш хусусиятларини; - сувли хом ашёларга намлик ва хароратнинг таъсирини; - хом ашёни сақлаш режимларини билишни хохлайман. 	<ul style="list-style-type: none"> - хом ашёни сақлаш усулларини 5 хилини; - хом ашёни сақлашдаги йўқотишлар – 5гурух яъни механик, физик-кимёвий, биологик, биокимёвий ва кимёвий турларига бўлишини; - дон ва дон маҳсулотларини сақлашда намлик критик чегарадан ошиб кетмаслигини; - сувли хом ашёларни сақлашда намликни йўқолишини – меванинг камайиши, чириши ва моғорланишига сабаб бўлишини; - хом ашёни сақлаш режимлари – температура, нисбий намлик ва муҳитнинг газ таркиби эканлигини билиб олдим.



2-топшириқ: “**Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси**” мавзусига “ФСМУ” методини қўллаш.



3-топширик: “Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хом-ашёлари” мавзусига “Балиқ скелети” методини қўллаш.

YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA O‘TKAZILADIGAN DARS ISHLANMASI

O‘quv yurti: Toshkent turizm kasb-xunar kolleji

Fan: Qandolatchilik O‘qituvchi: Abdullayeva F.

O‘quv soati – 2 soat	Talabalar soni: ta
O‘quv mashg‘ulot shakli	Axborotli ma’ruza
Ma’ruza rejasi	<ol style="list-style-type: none"> 1. Hushbo‘y hidli xamirni 2 xil usulda tayyorlash texnologiyasi. 2. Priyaniklar tayyorlash texnologiyasi. 3. Korjiklar tayyorlash texnologiyasi.
O‘quv mashg‘ulotining maqsadi: O‘quvchilarga Hushbo‘y hidli xamir haqida tushuncha berish va uni tayyorlash texnologiyasi bilan tanishtirish	
Pedagogik vazifalar:	o‘quv faoliyati natijalari:
Hushbo‘y hidli xamir tarkibiga kiradigan mahsulotlar bilan tanishtirish	Hushbo‘y hidli xamir tarkibiga kiradigan mahsulotlarni taxlil qiladi
Priyaniklar tayyorlash texnologiyasi bilan tanishtiradi	Priyaniklarni sifat ko‘rsatkichlari haqida ma’lumotga ega bo‘ladi
Korjiklar tayyorlash texnologiyasi bilan tanishtiradi	Korjiklarni sifat ko‘rsatkichlari haqida ma’lumotga ega bo‘ladi
O‘qitish vositalari	ma’ruza matni, doska, tarqatma materiallari
O‘qitish usullari	axborotli ma’ruza, blits-so‘rov
O‘qitish shakllari	Jamoaviy hamkorlikda ishlash
O‘qitish sharoiti	texnik vositalar bilan ta’minlangan auditoriya
Monitoring va baholash	og‘zaki savol-javob

Kurs bo'yicha bilimlarni mustaxkamlash uchun

blits-so'rov

1. Oshiruvchi vosita nima?
2. Pagir nima?
3. Pagirsiz oshirma xamir qorish.
4. Milanj bu nima?
5. Qiyomlarni tayyorlash.
6. Karam qiymasi tayyorlash.
7. Olma qiymasi tayyorlash.
8. Pagirli xamir qorish texnologiyasi.
9. Xid beruvchi mahsulotlarni nomini ayting.
10. Maza beruvchi mahsulotlar.
11. Go'sht qiymasi 1 usul bilan tayyorlash.
12. Go'shtli pirojkilar tayyorlash.
13. 3 xil piroglar tayyorlash.
14. Plyushka bulochkani tayyorlash.
15. Jele beruvchi mahsulotlar tayyorlash.
16. Pagirsiz xamir bilan Pagirli xamirni farqi.
17. Tvorogli vatrushka tayyorlash.
18. Rang beruvchi mahsulotlarni nomini ayting.
19. Briosh bulochkasini tayyorlash.
20. Asosiy pomada tayyorlash.

“Qandolatchilik” fanini o‘qitishda “Keys-stadi” metodini qo‘llash

Keysning pedagogik annotatsiyasi

O‘quv predmeti: Qandolatchilik.

**Mavzu: XUSHBO‘Y XIDLI XAMIRNI 2 XIL USULDA
TAYYORLASH TEXNOLOGIYASI.**

Keysning asosiy maqsadi:

1. Xushbo‘y xidli xamir haqida tushuncha berish
2. Xushbo‘y xidli xamirni sifat ko‘rsatkichlari to‘g‘risida ma‘lumot berish
3. Xushbo‘y xidli xamirni tayyorlash usullarini o‘rgatish.

O‘quv faoliyatidan kutiladigan natijalar:

- Xushbo‘y xidli xamirni tayyorlash jarayoni haqida tushuntirib berish;
- Xushbo‘y xidli xamirni sifat ko‘rsatkichlarini ko‘rsatish;
- Xushbo‘y xidli xamirni saqlash bilan bog‘liq muammoli vazifalarni echishda nazariy bilimlarni qo‘llash;
- Muammoni aniqlab, uni hal qilishda echim topish.

Ushbu keysni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun oldindan talabalar quyidagi bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lmog‘i zarur:

Talaba bilishi kerak:

Xamirli mahsulotlarini turlari, ularni saqlash.

Talaba amalga oshirishi kerak:

- Mavzuni mustaqil o‘rganadi;
- Muammoni mohiyatini aniqlashtiradi, g‘oyalarni ilgari suradi;
- Ma‘lumotlarni tanqidiy nuqtai nazardan ko‘rib chiqib, mustaqil qaror qabul qilishni o‘rganadi;
- O‘z nuqtai nazariga ega bo‘lib, mantiqiy xulosa chiqaradi;
- O‘quv ma‘lumotlari bilan mustaqil ishlaydi, ma‘lumotlarni taqqoslaydi, tahlil qiladi va umumlashtiradi.

Talaba ega bo‘lmog‘i kerak:

- Kommunikativ ko‘nikmalarga;
- Taqdimot ko‘nikmalariga;
- Xamkorlikda ishlash ko‘nikmalariga;
- Muammoli holatlarni tahlil qilish ko‘nikmalariga.

Amaliy vaziyatni bosqichma bosqich tahlil qilish va hal etish bo‘yicha talabalarga uslubiy ko‘rsatmalar

Ish bosqichlari	Maslahatlar va tavsiyanomalar
1. Keys va uning axborot ta‘minoti bilan tanishish	Avvalo keys bilan tanishing. “Xushbo‘y xidli xamirni 2 xil usulda tayyorlash texnologiyasi” mavzusining maqsadi va vazifalari haqida tushuncha hosil qilish uchun mavzuga oid bor bo‘lgan axborotni diqqat bilan o‘qib chiqish lozim. O‘qish paytida vaziyatni tahlil qilishga shoshilmang.
2. Berilgan vaziyat bilan tanishish	Ma‘lumotlarni yana bir marotaba diqqat bilan o‘qib chiqing. Siz uchun muhim bo‘lgan satrlarni belgilang. Bir abzatsdan ikkinchi abzatsga o‘tishdan oldin, uni ikki uch marotaba o‘qib mazmuniga kirib boramiz. Keysdagi muhim fikrlarni ostiga chizib qo‘ying.
3. Muammoli vaziyatni tahlil qilish	Asosiy muammo va kichik muammolarga diqqatingizni jalb qiling. Asosiy muammo: Xushbo‘y xidli xamir tayyorlashda texnologik jarayon bosqichlaridagi chetga chiqishlar. Quyidagi savollarga javob berishga harakat qiling. 1. Mahsulotlar berj suyrilmas shaklda bo‘lishiga

	<p>nima sabab bo‘ladi?</p> <p>2. Xushbo‘y xidli xamirga xid beruvchi mahsulotlar nima deb ataladi?</p> <p>3. Xushbo‘y xidli xamirni tayyorlash uchun undagi kleykovina miqdori ahamiyatlimi?</p> <p>4. Nima uchun xushbo‘y xidli xamirni tayyorlashda kimyoviy oshiruvchi vositalardan foydalaniladi?</p> <p>5. Xushbo‘y xidli xamirni necha usulda tayyorlash mumkin?</p> <p>6. Unli mahsulotlar tarkibidagi suvning qochib qolishiga nima sabab bo‘ladi?</p> <p>7. Priyaniklar suvini qochish jarayonini susaytiruvchi mahsulotlar nomini ayting.</p> <p>8. Sovuq usulda tayyorlangan xamir nima uchun yupishqoq bo‘ladi?</p> <p>9. Xamirni cho‘zilib qolish sababini bilasizmi?</p> <p>10. Xamirni qorish jarayoni uning qaysi ko‘rsatkichlariga bog‘liq?</p> <p>11. Sovuq usulda tayyorlangan xamirning sifat ko‘rsatkichlarini aytib bering.</p> <p>12. Qiyomning tayyorlik darajasini aniqlashni bilasizmi?</p> <p>13. Qaynoq usulda tayyorlangan xamir necha ⁰S xaroratgacha sovitiladi?</p> <p>14. Xushbo‘y xidli xamir qiyomiga yog‘ qo‘shilgandan so‘ng necha ⁰S xaroratda sovitiladi?</p>
--	--

4.Muammoli vaziyatni echish usul va vositalarini tanlash hamda asoslash.	Ushbu vaziyatdan chiqib ketish harakatlarini izlab topish maqsadida muammoli vaziyat jadvalini to'ldiring. Muammoni echish uchun hamma vaziyatlarni ko'rib chiqing, muqobil vaziyatni yarating.muammoni echimini aniq variantlardan tanlab oling. Jadvalni to'ldiring. Keys bilan ishlash natijalarini yozma ravishda ilova eting.
--	--

“Muammoli vaziyat” jadvalini to'ldiring

Vaziyatdagi muammolar turi	Muammoli vaziyatning kelib chiqish sabablari	Vaziyatdan chiqib ketish harakatlari
Xushbo'y xidli xamir mahsulotlarini uzoq muddat saqlash choralari	Xushbo'y xidli xamirni saqlash sharoitlari, tashqi muxit ta'siri.	Xushbo'y xidli xamir mahsulotlarini sifatli saqlash uchun uning qadog'iga va saqlash sharoitiga ahamiyat berish lozim

Keys bilan ishlash jarayonini baholash mezonlari va ko'rsatkichlari(auditoriyadan tashqarida va auditoriyada bajarilgan ish uchun)

Auditoriyadan tashqari bajarilgan ish uchun baholash mezonlar va ko'rsatkichlari

Talabalar ro'yxati	Asosiy muammo	Muammoli vaziyatning	Vaziyatdan chiqib ketish	Jami mak. 5b
--------------------	---------------	----------------------	--------------------------	--------------

	ajratib olinib tadqiqot ob'ekti aniqlangan mak. 1b	kelib chiqish sabablari aniq ko'rsatilgan mak. 2b	xarakatlari aniq ko'rsatilgan mak. 2b	

Auditoriyada bajarilgan ish uchun baholash mezonlari va ko'rsatkichlari


Gur uhlar ro'yxati	Guruh faolligi mak. 2b	Ma'lum otlar ko'rgazmali taqdim etildi mak.1b	Javoblar to'liq va aniq berildi mak.2b	Jami mak.5b

Texnologik xususiyatlardan kelib chikkan xolda keysning tavsifnomasi:

Ushbu keysning asosiy manbasi kabinetli, lavxali bo'lib, xayotiy vaziyatlar asosida bayon etilgan. Keysning asosiy obekti Xushbo'y xidli xamir maxsulotlarini tayyorlash jarayoniga karatilgan. Bu tashkiliy institutsionar keys bulib ma'lumotlar vaziyatlar va savollar asosida tuzilgan xajmi o'rtacha tizimlashtirilgan bo'lib, treninga mo'ljallangan o'kuv mavzu bo'yicha bilib va ko'nikmalar xosil qilishga qaratilgan. Didaktik maqsadlarga ko'ra keys muamolarni taqdim qilishga, ularni xal etishga, taxlil qilish va baxolashga qaratilgan [18,23].

Ushbu keysdan "Qandolatchilik" fanida foydalanish mumkin.

**“XUSHBO‘Y XIDLI XAMIRNI 2 XIL USULDA TAYYORLASH
TEKNOLOGIYASI” mavzusiga “KICHIK GURUHLARGA
AJRATISH” metodini qo‘llash**



**XUSHBO‘Y XIDLI XAMIRNI 2 XIL USULDA TAYYORLASH
TEKNOLOGIYASI’ MAVZUSI BO‘YICHA**

“BBB” jadvalini qo‘llash

Bilaman	Bilishni hoxlayman	Bilib oldim

**Mavzu bo'yicha bilimlarni mustaxkamlash uchun guruhlariga
kartochkalarda topshiriq savollari**

1-guruh

1. Xushbo'y hidli xamirga hid beruvchi mahsulotlar nima deb ataladi?
 2. Xushbo'y hidli xamirni tayyorlash uchun undagi kleykovina miqdori ahamiyatlimi?
 3. Nima uchun xushbo'y hidli xamirni tayyorlashda kimyoviy oshiruvchi vositalardan foydalaniladi?
-

2-guruh

1. Xushbo'y hidli xamirni necha usulda tayyorlash mumkin?
 2. Unli mahsulotlar tarkibidagi suvning qochib qolishiga nima sabab bo'ladi?
 3. Priyaniklar suvini qochish jarayonini susaytiruvchi mahsulotlar nomini ayting.
-

3-guruh

1. Sovuq usulda tayyorlangan xamir nima uchun yopishqoq bo'ladi?
 2. Xamirni cho'zilib qolish sababini bilasizmi?
 3. Xamirni qorish jarayoni uning qaysi ko'rsatkichlariga bog'liq?
-

4-guruh

1. Sovuq usulda tayyorlangan xamirning sifat ko'rsatkichlarini aytib bering.
2. Qiyomning tayyorlik darajasini aniqlashni bilasizmi?
3. Qaynoq usulda tayyorlangan xamir necha $^{\circ}\text{C}$ haroratgacha sovitiladi?

3-боб бўйича хулоса

1. ТМда касбий таълимни ташкил этишга нисбатан тегишли муассасалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Республика ўқув-услубий Маркази, янги турдаги ТМ учун педагог кадрларни тайёрлаб берадиган ҳамда ўқув манбалари билан таъминлашга масъул бўлган етакчи педагогика олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Марказ ва бошқа ташкилотлар томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлигига қарамай, бу соҳада ўз ечимини қутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд.

2. ТМни малакали педагоглар билан таъминлаш, самарали равишда касбий таълимни амалга ошириш имконини берадиган мукамал ўқув-методик адабиётлар - ўқув дастури, дарслик, қўлланма, рисола ҳамда методик тавсияномаларни яратиш (мониторингни ташкил этиш), таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида ўқув педметлари, шу жумладан, касбий фан ўқитувчиларини назарий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг мутахассислик билимлари ва педагогик маҳоратларини бойитиш мақсадида маълум шарт-шароитларни яратиш борасида муайян муаммолар мавжудки, уларни бартараф этиш муаммонинг ижобий ечимини таъминлашга олиб келади.

3. ТМда касбий таълим самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган тадқиқот ишини амалга ошириш, касбий таълим жараённинг илмий-методик тавсиялар билан таъминлаш, янги методлар билан қуроллантириш, янги турдаги таълим муассасаларида касбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган омилларни аниқлаш, касбий таълимнинг мақбул андозасини яратиш, унинг самарадорлиги ошганлигини кўрсатадиган мезонларни белгилаш тадқиқот ишини муваффақиятли ташкил этиш ва яқунлашга имкон беради.

4. ТМ фаолияти мазмунини ўрганиш, шунингдек, ушбу таълим муассасаларда амалга оширилаётган касбий таълим жараёнини кузатиш, тадқиқот иши учун респондент сифатида белгиланган ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ижтимоий ҳамда анкета сўровларини ўтказиш, суҳбатлар ташкил этиш, педагогик кузатувни олиб бориш натижасида янги турдаги ТМда амалга оширилаётган касбий таълимнинг мавжуд ҳолати, самарадорлик даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

5. ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишда уларда ўқитиладиган мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштирган, юқори даражадаги педагогик маҳоратга эга бўлган, ташаббускор, ташкилотчи, ижодий фаолиятини ташкил этишга нисбатан лаёқатли, шунингдек, ўз устида мунтазам ишлай олиш кўникма ва малакасини эгаллаган педагог кадрлар билан таъминлаш каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.

6. Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар каторида ТМ касбий фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар билан қуроллантириш ҳам алоҳида ўрин тутди. Зеро, касбий таълимни технологик ёндашув асосида олиб бориш бу талабаларнинг касбий билимларни пухта ўзлаштиришлари, бу соҳада муайян кўникма ва малакалар ҳосил қилишлари ўз вақтлари ва кучларини тежашларига имкон беради. Шунинг учун ҳам ТМ касбий фан ўқитувчилари орасида янги педагогик технологияларга оид билимларни тарғиб этишга йўналтирилган махсус методиканинг ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Хулосалар

1. ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўлида муайян ҳаракатларни амалга ошириш натижасида касбий таълим самарадорлиги маълум даражада таъминланади. Бунинг учун эса мазкур ўқув муассасаларида амалга ошириладиган касбий таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва методларини аниқлаш, уни амалга ошириш йўлларини белгилаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги ТМда касбий таълим самарадорлигини ошириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш имконини берди.
2. ТМда амалга оширилаётган Касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири - Касбий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш ҳисобланади. Янги турдаги ТМда Касбий таълимни янги педагогик технологиялар ва уларнинг ғояларига мувофиқ ташкил этилиши Касб фани ўқитувчиларининг янги педагогик технологиялар моҳиятидан хабардор бўлишларига боғлиқ эканлиги аён бўлди.
3. Касбий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш йўлидаги маълум муаммоларни ҳал қилиш тадқиқот доирасида амалга оширилган фаолият асосини ташкил этади. Махсус дастур ва тадбирлар режасининг моҳияти ТМда фаолият юритаётган касбий фанлари ўқитувчиларга янги педагогик технологияларга оид билимларни тақдим этишга йўналтирилганлиги билан характерлидир.
4. ТМ фаолиятида Касбий таълим ва уни муваффақиятли ташкил этиш масаласи алоҳида ўрин тутиши кузатишларимиз давомида аниқланди. Касбий таълим самарадорлигини ошириш йўлида маълум чоратадбирларнинг белгиланиши ҳамда муайян ҳаракатларнинг амалга оширилиши талабаларнинг маънавий-ахлоқий ҳамда Касбий маданиятини шакллантириб қолмай, балки ижтимоий-Касбий фаолликларининг ошишига замин ҳозирлайди.
5. ТМ касбий фанлари ўқитувчиларининг мутахассислик билимларини чуқурлаштириш, педагогик маҳоратларини такомиллаштириш, уларни янги педагогик технологияларга оид маълумотлар билан қуроллантириш мазкур ўқув муассасаларида олиб борилаётган Касбий таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.
6. ТМни малакали педагоглар билан таъминлаш, самарали равишда касбий таълимни амалга ошириш имконини берадиган мукамал ўқув-методик адабиётлар - ўқув дастури, дарслик, қўлланма, рисола ҳамда методик тавсияномаларни яратиш (мониторингни ташкил этиш), таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида ўқув педметлари, шу жумладан, касбий фан ўқитувчиларини

назарий билимлар билан қуроллантириш, уларнинг мутахассислик билимлари ва педагогик маҳоратларини бойитиш мақсадида маълум шарт-шароитларни яратиш борасида муайян муаммолар мавжудки, уларни бартараф этиш муаммонинг ижобий ечимини таъминлашга олиб келади.

7. ТМда касбий таълим самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган тадқиқот ишини амалга ошириш, касбий таълим жараёнининг илмий-методик тавсиялар билан таъминлаш, янги методлар билан қуроллантириш, янги турдаги таълим муассасаларида касбий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган омилларни аниқлаш, касбий таълимнинг мақбул андозасини яратиш, унинг самарадорлиги ошганлигини кўрсатадиган мезонларни белгилаш тадқиқот ишини муваффақиятли ташкил этиш ва яқунлашга имкон беради.
8. ТМ фаолияти мазмунини ўрганиш, шунингдек, ушбу таълим муассасаларда амалга оширилаётган касбий таълим жараёнини кузатиш, тадқиқот иши учун респондент сифатида белгиланган ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ижтимоий ҳамда анкета сўровларини ўтказиш, суҳбатлар ташкил этиш, педагогик кузатувни олиб бориш натижасида янги турдаги ТМда амалга оширилаётган касбий таълимнинг мавжуд ҳолати, самарадорлик даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.
9. ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишда уларда ўқитиладиган мутахассислик фанларини чуқур ўзлаштирган, юқори даражадаги педагогик маҳоратга эга бўлган, ташаббускор, ташкилотчи, ижодий фаолиятини ташкил этишга нисбатан лаёқатли, шунингдек, ўз устида мунтазам ишлай олиш кўникма ва малакасини эгаллаган педагог кадрлар билан таъминлаш каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.
10. Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар қаторида ТМ касбий фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар билан қуроллантириш ҳам алоҳида ўрин тутади. Зеро, касбий таълимни технологик ёндашув асосида олиб бориш бу талабаларнинг касбий билимларни пухта ўзлаштиришлари, бу соҳада муайян кўникма ва малакалар ҳосил қилишлари ўз вақтлари ва кучларини тежашларига имкон беради. Шунинг учун ҳам ТМ касбий фан ўқитувчилари орасида янги педагогик технологияларга оид билимларни тарғиб этишга йўналтирилган махсус методиканинг ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

3. Касбий таълимни яхшилаш, аҳолининг Касбий маданият даражасини юксалтириш, Касбшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.: Халқ сўзи г. 1997. 27 июн.
4. Жамиятда Касбий маданиятни юксалтириш Миллий дастури (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган).: Халқ сўзи г. 1997. 29 август.
5. Касбий таълимни яхшилаш, аҳолининг Касбий маданият даражасини юксалтириш, Касбшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.: Халқ сўзи г. 1997. 27 июн.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат.-Т.: Ўзбекистон. 1998. –686 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1997 йилнинг 20 майида бир гуруҳ Касб-тартибот идораларининг раҳбарлари, Касбшунос олимлар иштиро-кида ўтказилган йиғилишдаги маъруза.
8. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тарақиётининг пойдевори (Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқ.-Т.: Шарқ нашриёт манбаа-концерни. 1997.- 64 б.

IV. Асосий адабиётлар.

9. О.А.Каримова., А.Р.Рафиқов. “Ўқувчи ёшларни Касбий таълимлаш”.

10. А.В.Мицкевич., В.М.Обухов. “Касбий таълим методикаси” номли услубий кўлланма.
11. А.И.Островский. “Мактаб ўқувчи-лари Касббузарлигининг олдини олиш”
12. Беспалько В.П. Теоритические основѣ стандартизации образования // Педагогическое обеспечение государственного стандарта образования. – М.: ИРПО, 1994. с. 3-42.
13. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар-Т.: Фан, 2000, 127 б.
14. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., 2003.

IV. Қўшимча адабиётлар.

15. Синфдан ва мактабдан ташқари таълимвий ишлар концепцияси.: Маърифат г. 1993. 3 март.
16. Арзикулова Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусиятлари: Псих.фан.ном. ... дисс. автореф. – Т.: 2002.– 22 б.
17. Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивное технологии обучения.- М.: ИРПО. 1996. – 336 с.
18. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., 2003.
19. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами: /С.Фуломов тахр. Остида: Б.Ҳ.Рахимов, Ш.Д.Жонбоев ва бошқ. –Т.: Шарқ, 2001.
20. Болтаева М. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш // «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-давр талаби») НамДУ илмий услубий мақолалар тўплами. Н. 2000.
21. Мирзаҳмедов Б. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш услублари. Т., 1994 й.-144 б.
22. Толипов Ў.Қ. Талабаларнинг мустақил таълимларида ўқитиш воситалари. Т., «Халқ таълими», 2000.
23. Мавлянов А., Жавлонов Ш., Абдалова С., Юсупова Л. Педагогик технология тамойиллари асосида дарс машғулотларини олиб бориш технологияси. -Т.: Ворис, 2010. -112 б.
24. Каримова В.М., Суннатов Р.И. “Мустақил фикрлаш” ўқув кўлланмаси бўйича машғулотларни ташкил этиш услубиёти. Т.: “Шарқ” 2000. -166.
25. Фарберман Б., Мусина Р., Джумабаева Ф. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари (ўқув-услубий кўлланма) Т., 2002. 192 б.
26. Рахимов Б.Ҳ., Мавлянов А., Чориев В., Абдалова С., Темирова Н. Педагогик технологиялар схемаларда / А.П.Парпиев тах. остида. -Т.: Фан ва технология, 2009. -123 б.
27. Г.М.Медведева «Технология и ТХК макаронного производства» М.: «Колос» 1998г. 2. Т.Б.Цыганова, И.В.Матвеева. Справочное пособие

по контролю за качеством хлебобулочных и макаронных изделий. Росхлебинспекция. 1999г.

28. М.Г.Васиев, М.А.Васиева, Х.Ж.Илолов, М.А.Саидходжаева. «Нон, макарон кандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси» Тошкент-«Меҳнат»-2003й.
29. Васиев М.Г., Васиева М.А. Макарон маҳсулотлари технологияси. Бухоро 2001й
- 30.5321000 – Озиқ-овқат технологияси (консерванган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси бўйича) бакалаврият йўналишининг Давлат таълим стандарти ва ўқув режаси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 2011 йил 16-сентябрда тасдиқланган

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

VII. Интернет сайтлари

31. www.ido.edu.ru/open/ikt (Информационные и коммуникационные технологии).
32. <http://www.rusedu.info/Article114.html>. Селевко С.К. «Педагогические технологии на основе эффективности управления и организации учебного процесса». Компьютерные технологии обучения.

ИЛОВАЛАР

КАСБИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

**к.ф.н., доцент. Ш.Канглиев, асс. Рахимова Д.Т, маг. Хасанова Б.Л.
(Тошкент кимё -технология институти)**

Таълим муассаса (ТМ)лари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири - касбий таълим жараёнини ташкил этиш, талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир. Талабалар томонидан эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш, уларда бу соҳада кўникма ва малакалар ҳосил қилишда касбий таълим ўзига хос ўрин тутади. Айтиш мумкин касбий таълимнинг муваффақиятли ташкил этилиши ўз-ўзидан мазкур таълим самарадорлигини таъминлайди. Касбий таълим жараёнида талабаларда фан асосларини пухта ўзлаштиришга нисбатан қизиқишнинг вужудга келишига эришиш - уларнинг мазкур жараёнда фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ТМда касбий таълим самарадорлигини ошириш, муваффақиятли ташкил этиш талабаларда танқидий фикрлаш, касбий маҳоратларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият бўлиб, аниқ мақсад ва пухта ишланган режа асосида ташкил этилсагина кутилган натижани таъминлай олади.

ТМда касбий таълим самарадорлигига: касбий таълим - аниқ мақсад асосида ташкил этилганда, уни амалга оширишга нисбатан жиддий муносабатда бўлганда, талабаларда мотивация уйғотиш мақсадида ташкил этилганда, талабаларнинг қизиқишлари, ёш ва психологик хусусиятлари инобатга олиниб, уюштирилганда, турли шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилганда, уни самарали ташкил этиш соҳасида эришилган илғор иш тажрибалар мунтазам ўрганилиб, оммалаштирилганда, компьютер, Интернетдан унумли фойдаланиш каби шарт-шароитлар яратилганда эришиш мумкин. ТМда амалга ошириладиган касбий таълим самарадорлигини оширишга қаратилган мақсаднинг ижобий натижа бериши бу йўлда қатор педагогик вазифаларнинг бажарилишини талаб этади. Улар: ТМда касбий таълимни давр талаблари даражасида амалга ошириш имконини берадиган объектив шарт-шароитларнинг яратилиши (замонавий ўқув жиҳозлари, техника воситалари, ўқув-методик адабиётлар, ўқув дастури, дарслик, ўқув- методик қўлланмалар, кўрсатмали куроллар) билан таъминланишига эришиш; касбий фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратларини ошириб бориш; уларга янги педагогик технология назарияси мазмуни хусусида маълумотлар беришга эришиш; янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш; касбий таълимни ташкил этишга нисбатан янги, технологик ёндашувни қарор топтириш; ТМда эришилган касбий таълим самарадорлигининг мавжуд даражасини таҳлил этиш.

ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишда: ТМда фаолият юритаётган касбий фан ўқитувчиларининг мутахассислик фанлари ҳамда педагогик билимлар асосларини пухта ўзлаштирилганликлари; амалиётда қўллай олиш малакасига эгалликлари; ўз устида ишлаш ва ижодий фаолиятни ташкил этиш кўникмасига эгалликлари; талабаларда касбий таълим асосларини ўзлаштиришга нисбатан қизиқиш топтира олишлари; замонавий педагогик технологиялар ва улардан таълим жараёнида самарали фойдалана олишнинг моҳиятини чуқур англашлари; ТМнинг етарли даражада ўқув моддий-техник базасига эгаллиги; касбий таълим самарадорлиги таъминлашга хизмат қиладиган мониторингнинг ташкил этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш борасида Олий таълим тизимида ҳам изланишларнинг ташкил этиладиганлиги алоҳида эътиборга моликдир. Бугунги кунда таълим тизимининг мазмуни, ўқув жараёнини

лойихалаштиришга ҳам янги ёндашиш, уни янги ташкиллаштириш, таълим мазмунини ва унинг таркибини кенгайтириш, чуқурлаштириш, билим, кўникма ва малака, ижодий фаолиятини такомиллаштириш кун тартибига кўндаланг қўйилди. Таълим жараёнига янги ёндашиб, унга замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ижодкорлик, фаоллик тадбиқ этилсагина таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- ✚ талабанинг талаби, мойиллиги, истак – хоҳиши, унинг имкониятлари даражасида қондирилади;
- ✚ талабанинг ўқув меҳнатига маъсулияти, жавобгарлиги ошади;
- ✚ билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;
- ✚ ўз билимини ўзи бойитишга ишонч пайдо бўлади;
- ✚ шахснинг жамиятда ўз ўрнини тезроқ топиб олиши учун муҳит яратилади.

ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаолиятнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши муваффақиятга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади: конференция, семинар, тренинг, илмий изланиш, учрашув; оғзаки баён қилиш, амалий, кўргазмали намойиш этиш, машқлар, “Кластер”, “Т-схема”, “Ақлий ҳужум”, “Кейс-стади”, “Муаммоли вазиятларни ҳал этиш”, “Кубик”, “Резюме”, “ФСМУ” каби интерфаол методлар; техник ва ахборотли воситалар - компьютер, Интернет хизмати.

Масалан, “Янги педагогик технологиялар ўқитиш жараёнини сифатини оширади” мавзусига “ФСМУ” технологиясини қўлланилишини кўриб чиқамиз.

“ФСМУ” технологияси мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс - мунозаралар ўтказиш ёки ўқув - семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув-семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фиклаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқитувчи талабаларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргади.

“ФСМУ” технологияси

Фикр	Янги педагогик технологиялар ўқитиш жараёни сифатини оширади
Сабаб	Чунки янги педагогик технологиялар дарс жараёнини олдиндан лойихалаш, натижаларни кафолатлаш ва талабалар фаоллигини оширишни таъминлайди
Мисол	Педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамлакатларга тез тарқалди. ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот томонидан тан олинди ва қўллаб-қувватланди, ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Масалан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича тажриба-синов тарзида ўқиётган 5 минг боладан 75 фоизида анъанавий ўқитишда фақат энг яхши ўқувчилар эришадиган натижалар қўлга киритилган.
Умумлаштириш	Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келинаётган таълим технологиясини ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий таълим технологиясини яратиш лозим.

Шундай қилиб, ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологиялар, интерфаол методлар, уларнинг турли шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш, етарли шарт-шароитларни яратиш ижобий натижалар беради.

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ УЧУН ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Ш.Т. Канглиев к.ф.н., доцент, Б.Д. Маназаров асс.,

Б.Л. Хасанова маг.

Тошкент кимё -технология институти

Таълим муассаса (ТМ)лари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири - касбий таълим жараёнини ташкил этиш, талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир. Талабалар томонидан эгаллаган билимларни мустаҳкамлаш, уларда бу соҳада кўникма ва малакалар ҳосил қилишда касбий таълим ўзига хос ўрин тутди. Аини вақтда касбий таълимнинг муваффақиятли ташкил этилиши ўз-ўзидан мазкур таълим самарадорлигини таъминлайди. Касбий таълим жараёнида талабаларда фан асосларини пухта ўзлаштиришга нисбатан қизиқишнинг вужудга келишига эришиш - уларнинг мазкур жараёнда фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.


ТМда амалга оширилаётган касбий таълим самарадорлигини оширишга қаратилган мақсаднинг ижобий натижа бериши бу йўлда қатор педагогик вазифаларнинг бажарилишини талаб этади. Улар: ТМда касбий таълимни давр талаблари даражасида амалга ошириш имконини берадиган объектив шарт-шароитларнинг яратилиши (замонавий ўқув жиҳозлари, техника воситалари, ўқув-методик адабиётлар, ўқув дастури, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар, кўрсатмали қуроллар) билан таъминланишига эришиш; касбий фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратларини ошириб бориш; уларга янги педагогик технология назарияси мазмуни хусусида маълумотлар беришга эришиш; янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш; касбий

таълимни ташкил этишга нисбатан янгича, технологик ёндашувни қарор топтириш; ТМда эришилган касбий таълим самарадорлигининг мавжуд даражасини таҳлил этиш.

ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган фаолиятнинг қуйидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши муваффақиятга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади: конференция, семинар, тренинг, илмий изланиш, учрашув; оғзаки баён қилиш, амалий, кўргазмали намойиш этиш, машқлар, “Кластер”, “Синквейн”, “Ақлий ҳужум”, “Кейс-стади”, “ФСМУ”, “Венн диаграммаси” каби интерфаол методлар; техник ва ахборотли воситалар - компьютер, Интернет хизмати.

Иновация усуллари ёки интерфаол усулларни “Нон ва нон технологияси” фанига қўллашни кўриб чиқайлик.

1. “Унни сақлаш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш” мавзусига “Балик скелети” методи қўлланилиши



Муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар

2. “Бугдой уни” мавзусига “Синквейн” усулини қўллаш

1. Ун
2. Оқ, тўйимли
3. Тайёрланган донга боғлиқ
4. Ҳар хил навлари ишлаб чиқарилади
5. Маҳсулот

1. Ун
2. Кўп навли
3. Газ қосил қилади
4. Сувни сингдириш қобилятига эга
5. Хом ашё

1. Ун
2. Углеводли, крахмалли
3. Клейковина миқдорига боғлиқ
4. Туз қўшиб кислоталиги оширилади
5. Озука

«Касб таълими» кафедраси кимёвий ва озиқ-овқат технологияси йўналишларида кичик мутахассислар тайёрловчи бир қатор касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик шартномалари асосида бир қатор ишлар, яъни касб-хунар коллежларида ўқитиладиган мутахассислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологияларини қўллаш борасида маълум ишларни амалга оширмоқда.

Шундай қилиб, ТМда касбий таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик ва инновацион технологиялар, интерфаол методлар, уларнинг турли шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш, етарли шарт-шароитларни яратиш ижобий натижалар беради. Юқоридаги талаблар ҳамда интерфаол усуллар асосида ташкил этилган машғулот давомида тингловчиларнинг фаоллиги ошади, мустақил фикрлаши, ижодий тафаккури кучаяди, муаммолар ечимининг энг мақбулини танлаш фаолияти мустаҳкамланади, айниқса илм олишга бўлган интилиши, уларни ўзлари ишлайдиган таълим муассасаларида таълим жараёнида қўллашга бўлган қизиқиши янада ошади.